

БУХОРО: ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, иқтисодий-ижтимоий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида 16 февраль куни Бухоро вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 10-11 март кунлари вилоятга ташрифи чоғида барча соҳаларни ривожлантириш бўйича кенг кўламли режаларни белгилаб берган эди. Ушбу топшириқлар ижроси доирасида улкан ишлар амалга оширилди. Янги sanoat корхоналари, тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Маҳаллийлаштириш даражаси ва экспорт ҳажми ошди. Транспорт ва сервис инфратузилмаси ривожланиб, сайёҳлар оқими кўпайди. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаган имкониятлар ишга солинди. Янги уй-жойлар, ижтимоий объектлар бунёд этилди. Шавкат Мирзиёев Бухоро вилоятига ташрифини Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси зиёратидан бошлади. Юртимиз қадимий қадамжоларга бой. Бу заминда буюк алломалар, диний ва дунёвий илм эгалари яшаб, ижод қилган. Президентимиз томонидан миллий маданий меросимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш, юртимиздаги тарихий обида ва ёдгорликларни тиклаш, ўрганиш ва келажак авлодларга етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари 2017 йил 10 март куни Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасида бўлиб, бу ерни янада обод масканга айлантириш, зиёратчилар учун зарур шароитлар яратиш борасида мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берган эди. Президентимиз ўтган вақт мобайнида қилинган ишларни кўздан кечирди. Таомилга биноан ўтганлар руҳига Қуръон тиловат қилинди.

Президентимизнинг 2017 йил 11 июлдаги “Абдухолик Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши ижроси юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда. Шавкат Мирзиёевга мазкур саналар муносабати билан амалга ошириладиган маънавий-маърифий, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш бўйича “йўл харитаси” ҳақида маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари мазкур тадбирларни юқори савияда ўтказиш, бунинг учун барча манбалардан фойдаланиш лозимлигини таъкидлади. Баҳоуддин Нақшбанд, Абдухолик Ғиждувоний, Ориф Ревгарий, Али Ромитаний, Бобойи Самосий, Маҳмуд Фағнавий, Саййид Амир Кулол каби меъморий мажмуаларни ўз ичига олган етти пир зиёратгоҳи нафақат юртдошларимиз, балки бутун дунё мусулмонлари учун табаррук масканлар ҳисобланади. Президентимизга мазкур мажмуаларни реконструкция қилиш ва янги сайёҳлик йўналишларини очиш бўйича қилинадиган ишлар ҳақида маълумот берилди. Унга мувофиқ, бу мажмуалар қайта таъмирланиб, қўшимча бино ва иншоотлар қурилади. Атрофи ободонлаштирилиб, меҳмонхона, чойхона, савдо мажмуалари, автотураргоҳлар барпо этилади. Мазкур мажмуалар ўртасидаги умумий масофа 122 километр. Шавкат Мирзиёев мажмуалар орасидаги йўллар бўйида замонавий инфратузилма ташкил қилиш бўйича кўрсатма берди. Бухоро давлат университети ҳузурида Бухоро тарихини ўқитадиган махсус факультет очиш кераклигини таъкидлади. Етти пир ётган қадамжолар орасидаги йўллар бўйида улар ҳақидаги маълумотлар акс этсин. Зиёратга келганлар кенг маълумотга эга бўлсин. Бунинг учун кадрлар тайёрлашга эътибор бериш керак, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари ташриф давомида Бухоро туманидаги **“Бухоро балиқ саноат”** масъулияти чекланган жамиятида бўлди. Мамлакатимизда аҳолининг балиқ маҳсулотларига эҳтиёжини таъминлаш, тармоқда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, мазкур соҳада фаолият юритаётган хўжаликлар моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, жумладан, сифатли балиқ маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш бўйича бир қанча дастурий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 1 майдаги “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси ташкил этилди. Уюшма томонидан табиий ва сунъий сув ҳавзаларини балиқлантириш учун қимматли балиқ турларини кўпайтиришни йўлга қўйишда балиқчилик тармоғи ташкилотларига кўмаклашиш, личинка етиштириш бўйича янги инкубация цехлари ташкил этиш, балиқ чавоғи етиштириш ҳажмини кўпайтириш, чавоқ ҳовузларини модернизация қилиш ва кенгайтириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. **“Бухоро балиқ саноат”** масъулияти чекланган жамиятида ҳам бу борада ибратли ишлар қилинмоқда. Бу ерда балиқни қайта ишлаш, дудлаш, балиқ озуқаси ишлаб чиқариш, инкубация цехи ва ёпиқ сув айланма тизими ишга туширилган. Умумий майдони 90 гектар бўлган хўжаликда 40 гектарлик сув ҳавзаси бўлиб, янги лойиҳага кўра, қолган 50 гектари реконструкция қилинади. Президентимиз балиқчилик хўжалигида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Балиқ етиштириш ҳажмини оширишимиз керак, Айни пайтда аҳолининг балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган талабини қондира олаётганимиз йўқ. Бу каби хўжаликларни Бухоронинг ҳар бир туманида ташкил қилиш зарур.



Давлатимиз раҳбари Бухоро туманига ташрифи давомида бир қатор иқтисодий лойиҳалар билан ҳам танишди. Маълумотларга кўра, собиқ “Бухоротекс” АЖ негизида пахта толасидан компакт ип-калава ишлаб чиқариш бўйича “Indorama Bukhara Textile” хусусий корхонасини ташкил этиш лойиҳаси икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда 60 миллион, иккинчи босқичда 55 миллион доллар миқдоридаги инвестиция киритиладиган корхона замонавий технологиялар билан жиҳозланади. Бу 650 кишининг бандлигини таъминлаш имконини беради. Президентимизга Бухоро вилоятида мавжуд яйловлардан самарали фойдаланиш тўғрисида ҳам маълумот берилди. Ушбу маълумот ўз-ўзидан вилоятда қоракўлчиликни ривожлантириш лойиҳасига уланди. Вилоятда азалдан қоракўлчилик ривожланган. Лекин сўнгги йилларда соҳага етарлича эътибор берилмагани сабабли қоракўл тери ишлаб чиқариш кескин пасайди. Соҳадаги мавжуд муаммолар ҳақида батафсил маълумот берилар экан, илмий ёндашувнинг йўқлиги боис кўйларнинг насли бузилгани қайд этиб ўтилди. Бундан ташқари, яйловларнинг қисқариши, суғориш тизимларидаги камчиликлар, зарур техника воситалари йўқлиги асосий омиллар сифатида санаб ўтилди. Давлатимиз раҳбари муаммоларнинг ечими билан қизиқди. Мутахассислар қоракўлчиликни ривожлантириш бўйича ўз таклифларини айтди. Ш.Мирзиёев айтиши пайтда фаолият юритаётган хўжаликлар, олимлар, селекционерларни қўллаб-қувватлаш бўйича соҳа раҳбарларига тегишли кўрсатмалар берди. Шу ерда “Komteks rposh” МЧЖ томонидан кўй жунини саноат усулида қайта ишлаш кластери тақдими бўлиб ўтди. Лойиҳа қиймати 24 миллиард сўм бўлиб, йилига 1500 тонна тозаланган жун, 425 тонна тайёр ип-калава, 100 минг дона одеял ишлаб чиқаришни кўзда тутди. Шунингдек, 2018 йилда вилоятда амалга оширилдиган паррандачилик лойиҳалари тўғрисидаги маълумот тақдим қилинди. Бу йўналишда 32 та лойиҳа амалга оширилиб, 252 иш ўрни яратилади.

Лойиҳалар асосан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, истиқболли мақсадларни ўзида акс эттиргани билан аҳамиятлидир. Пилла етиштириш, асаларичилик, насли эчки боқишга ихтисослашган эчкичилик комплекси, замонавий иссиқхоналар, агросаноат логистикаси ва савдо логистикаси марказлари ташкил этиш лойиҳалари асосий эътиборда бўлди. Лойиҳа ташаббускорлари ўз режалари ҳақида батафсил сўзлади. Ўз навбатида, давлатимиз раҳбари уларни қийнаётган муаммолар билан қизиқди. Ғиждувон туманида тут баргидан чой тайёрлаш лойиҳаси Президентимиз эътиборини тортди. Бундай чойнинг афзалликлари унда кофеин ва танин моддаси йўқлигидадир. Бу энг самарали ишлаб чиқариш лойиҳаси бўлади, – деди Шавкат Мирзиёев. Сабаби, унинг ноёблиги ва инсон саломатлиги учун ғоят фойдалилигидир. Лойиҳа бўйича ишлар бошлаб юборилган. Маҳсулот 2019 йилдан экспортга чиқарилиши мўлжалланмоқда.

Цистанхе ва исирик етиштиришга алоҳида эътибор берилгани вилоятда ўзига хос янгилик бўлди. Цистанхе илдизи доривор ҳисобланиб, хавfli ўсма касалликларининг олдини олади. Шамоллашга қарши, иммунитетни оширувчи хусусиятга эга. Япониялик олимларнинг таъкидлашича, бу ўсимлик женьшендан беш баробар самарали ҳисобланади. Ҳозирги вақтда Қозоғистон Марказий Осиёда бу ўсимликни экспорт қилувчи ягона давлат бўлиб, йилига 100-150 тоннагача хорижга сотади. Янги лойиҳада мазкур ўсимликни етиштириш ва қайта ишлаш кўзда тутилган. 3 минг гектар ерда шундай ўсимлик етиштириш 400 кишининг бандлигини таъминлайди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарига **2018-2020 йилларда вилоятда ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш дастури**, Бухоро шаҳрида реконструкция қилинаётган каналлар ҳақида маълумот берилди.

Президентимизнинг 2017 йил 1 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини Бухоро вилоятида бажариш чоралари тўғрисида ҳам сўзлаб берилди. Жумладан, аҳолига сифатли гўшт етказиб бериш, чорвачиликда қўлланиладиган вакцина ва антибиотиклар, ҳайвонларни сотиш, сотиб олиш ва ўзаро айирбошлашда соғлом ва ишончли муҳит яратиш масалалари хусусида фикр алмашилди. Шавкат Мирзиёев лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди. Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, болаларни мактабга сифатли тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ш.Мирзиёев ҳудудларга ташрифи давомида бундай муассасаларда бўлиб, муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш юзасидан тегишли топшириқлар беради. Президентимизнинг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида мамлакатимизда бундай муассасалар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги боғчалар қуриш ишлари амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан эса Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Янги вазирликнинг асосий вазифалари босқичма-босқич барча болаларни мактабгача таълим тизимига қамраб олиш, юртимизда ўзаро рақобат қилувчи давлат ва нодавлат МТМлари тармоғини яратиш, мактабгача таълим ва болаларни тарбиялашнинг муқобил шаклларини амалиётга жорий этишдан иборат. Мазкур ҳужжатлар ижроси юзасидан Бухоро вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда вилоятда 343 мактабгача таълим муассасаси мавжуд бўлиб, уларнинг 7 таси нодавлат, 1 таси ички ишлар бошқармаси тасарруфида. Уларда 46 мингдан зиёд, яъни вилоятдаги болаларнинг 35,1 фоизи таълим-тарбия олмоқда.

Бухоро шаҳридаги 54-мактабгача таълим муассасаси 280 ўринга мўлжалланган. Боғча биноси ўтган йили капитал реконструкция қилиниб, замонавий жиҳозланди. Бу ерда 31 нафар педагог ва тарбиячи фаолият кўрсатади. Давлатимиз раҳбари боғчада болаларга яратилган шароитлар билан танишди, ходимлар билан мулоқот қилди. Президентимизга боғчада тажриба тариқасида ташкил этилган қисқа муддатли бошланғич ривожлантириш маркази фаолияти ҳақида маълумот берилди. Янги тизимнинг афзаллиги қисқа муддатли гуруҳларда болаларга мантиқ, ментал арифметика, инглиз тили, амалий ва тасвирий санъат турлари интерфаол усулларда ўргатилади. Марказ ҳудуддаги боғчага қамраб олинмаган болаларни мактабга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Мактабгача таълимга бежиз бунчалик эътибор қаратаётганимиз йўқ, – деди Ш. Мирзиёев. Болалар айна боғча ёшида билимни тез ва осон ўзлаштиради, бир умрга эслаб қолади. Шунинг учун ушбу тизим ривожини билан боғлиқ масалалар доим диққатимиз марказида бўлиши керак. Президентимиз мазкур муассасани вилоятдаги боғчалар учун методик тажриба алмашиш марказига айлантириш, соҳани етук мутахассислар билан таъминлаш, хусусан, педагогика коллежини тугатган ёшларни қайта тайёрлов курсларига юбориб, уларни МТМларга ишга жойлаштириш юзасидан топшириқлар берди. Шавкат Мирзиёев Бухоро шаҳрининг тарихий қисмида вилоятда туризм соҳасини янада ривожлантириш концепцияси асосида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Бухоро ўзининг бетакрор тарихий обидалари, осори-атиқалари, асрлар оша давом этиб келаётган миллий ҳунармандлик анъаналари билан юртимиз туристик жозибадорлигини оширишда улкан салоҳиятга эга. Вилоятда 2018 йилда туризмни янада ривожлантириш концепциясига мувофиқ, 61 лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган. Жумладан, 32 меҳмонхона, 12 мотел, 10 истироҳат боғи барпо этилиб, “Бухоро Палас”, “Варахша” ва “Зарафшон” меҳмонхоналари реконструкция қилинади.



Бундан ташқари, туризм бўйича халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, ресторанлар қуриш, сайёҳларга хизмат кўрсатувчи транспорт воситалари харид қилиш, маданий мерос объектларини тадбиркорларга ижарага бериш, ҳаво шарида саёҳатни ташкил қилиш, Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент ва Жондор туманларида қишлоқ туризмни йўлга қўйиш режалаштирилган. Ушбу лойиҳалар ижроси натижасида вилоятга келаётган хорижий ва маҳаллий сайёҳлар оқимини сезиларли даражада кўпайтиришга эришиш мумкин. Тармоқда хизматлар экспорти ҳажми ортиб, кўплаб янги иш ўринлари ташкил этиш имконияти пайдо бўлади. Давлатимиз раҳбари вилоятга ўтган йилги ташрифи чоғида Бухоро шаҳрининг сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида унинг тарихий қисмида ҳунармандлар мавзеси қуриш, Ҳақиқат ва Хўжа Нуробод кўчаларини кенгайтириб сайлгоҳга айлантириш, Пойи Калон ва Мир Араб мадрасаларини қайта таъмирлаш бўйича топшириқлар берган эди. Шунга мувофиқ, Ҳақиқат кўчаси кенгайтирилиб, 1,5 метр қалинликдаги тупроқ қатлами олиб ташланди, тарихий обидалар атрофи очилди. Кўча бўйлаб биринчи қаватида дўкон ва устахоналар бўлган, иккинчи қаватида ҳунармандлар оилалари яшайдиган уйлар қуришга киришилди. Натижада кўча шаҳарнинг тарихий қисмига монанд сайлгоҳга айланиб бормоқда. Вилоятга келаётган сайёҳлар бу ерга ҳам ташриф буюриб, уста-ҳунармандлар иши билан танишмоқда, ипак гиламлар, кашталар, зарбоф тўнлар, турли кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари, сувенирлар харид қилиб, Бухоронинг қадимий довуғини дунёга янада кенг ёйишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Жорий йилда Пойи Калон мажмуасидаги тарихий обидаларни таъмирдан чиқариш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилди. Хўжа Нуробод кўчасида жойлашган Абдулазизхон ва Улуғбек мадрасаларида таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилади. Арк кўрғони мажмуаси атрофи ободонлаштирилиб, унинг ичкарасидаги бино ва иншоотлар таъмирланади. Мир Араб мадрасасини қайта тиклаш ва унинг янги ўқув биносини қуриш ишлари олиб борилади. Шу кўчанинг ўзида ҳунармандлар растаси қурилади. Шавкат Мирзиёев эски шаҳар қисмининг туризм инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари билан танишар экан, ушбу ҳудуд том маънода Бухоронинг юраги бўлиши кераклигини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарига шаҳарнинг тарихий қисмидаги маданий мерос объектларини таъмирлаш ва тиклаш, улардан самарали фойдаланиш, тарихий обидаларни қамраб олган Бухоро шаҳар кичик ҳалқа йўли ҳамда пиёдалар йўлаклари қуриш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини реконструкция қилиш, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан мамлакатимизда замонавий кинотеатрлар тармоғини барпо этиш лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз ҳар бир лойиҳа юзасидан ўз таклиф ва тавсияларини берди. Мир Араб мадрасаси бино ва иншоотлари, туристларга хизмат кўрсатувчи автоуловлар, инфратузилма объектларини кўздан кечирди. Шу куни Пешку тумани ҳокимлигида вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Бухоро вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси ва уларни иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбарининг Бухоро вилоятига ташрифи давомида кўздан кечирилган истиқболли лойиҳалар, бўлиб ўтган учрашув ва суҳбатлар Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида янги марралар сари дадил қадамлар қўйилиб, аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим ютуқлар қўлга киритилаётганининг яна бир ёрқин тасдиғи бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 15 февраль куни Қирғизистон Президенти Сооронбай Жээнбеков билан телефон орқали мулоқот қилди

Мулоқот аввалида давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан бир-бирларини самимий қутладилар. Ўтган даврда қардош халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли Ўзбекистон – Қирғизистон ҳамкорлигини салмоқли даражада кенгайтиришга эришилгани чуқур мамнуният билан қайд этилди. Томонларнинг сиёсий иродаси ва амалий саъй-ҳаракатлари туфайли ўзаро муносабатлар стратегик шериклик даражасига етгани алоҳида таъкидланди. 2017 йилда уч марта олий даражадаги ташриф муваффақиятли амалга оширилди, уларнинг якуни бўйича ҳамкорликнинг долзарб масалаларига оид муҳим келишувларга эришилди, Ўзбекистон – Қирғизистон давлат чегаралари тўғрисида шартнома ва бошқа битимлар имзоланди. Ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичлари жадал суръатларда ўсмоқда, ишлаб чиқариш кооперацияси кўлами кенгаймоқда. Транспорт коммуникациялари соҳасида, жумладан, “Ўзбекистон – Қирғизистон – ХХР” йўналиши бўйлаб автомобиль қатновини йўлга қўйиш ва темир йўл қуришга доир стратегик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Икки мамлакат ҳудудлари ўртасида самарали ҳамкорлик механизмлари йўлга қўйилди. Маданий-гуманитар соҳадаги алмашинувлар фаоллашди. Мулоқотда давлат раҳбарлари олий даражадаги ўзаро ташрифлар давомида эришилган келишувларни ўз вақтида амалга ошириш зарурлигини қайд этдилар. Икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликнинг бошқа масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди. Мулоқот якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлида дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ “ЖЕНЕРАЛ ЭЛЕКТРИК” КОМПАНИЯСИ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 15 февраль куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган АҚШнинг “Женерал электрик” компанияси вице-президенти Рональд Жеймс Поллеттни қабул қилди. “Женерал электрик” компанияси жаҳоннинг кўп тармоқли етакчи корпорацияларидан биридир. Бугунги кунда энергетика, машинасозлик, аниқ ускунасозлик, электр техникаси, автоматлаштирилган бошқарув тизимлари, замонавий тиббиёт технологиялари, молия ва бошқа кўплаб соҳаларда фаолият юритади. Компания дунёнинг 180 дан ортиқ мамлакатда фаолият юритмоқда, унинг корхоналарида 300 мингдан зиёд киши меҳнат қилади. Ўтган йил якуналарига кўра, компания 120 миллиард доллардан зиёд даромад олган. Учрашувда “Женерал электрик” компаниясининг мамлакатимиздаги фаолияти кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда энергетика инфратузилмаси объектларини модернизация қилиш, жумладан, Тахиатош иссиқлик электр станциясида замонавий буғ-газ қурилмаларини қуриш, Тошкент иссиқлик электр станцияси қувватларини кенгайтиришнинг иккинчи босқичини амалга ошириш, Пском гидроэлектр станциясини барпо этиш, газ етказиш тизимини ривожлантириш борасида қатор устувор лойиҳалар, шунингдек, фуқаро авиацияси ва соғлиқни сақлаш соҳаларида кўшма дастурлар ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари энергетика тармоғидаги ўзаро манфаатли технологик шериклик ҳамда ишлаб чиқариш кооперацияси соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳимлигини алоҳида таъкидлади. Мамлакатимизда, жумладан, хорижнинг етакчи мутахассислари ва экспертларини жалб қилган ҳолда, юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Рональд Жеймс Поллетт Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул ҳамда юқори технологияли тармоқларда икки томонлама ҳамкорликка доир лойиҳа ва дастурларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлагани учун чуқур миннатдорлик билдирди. “Женерал электрик” компанияси мамлакатимиз корхона ва ташкилотлари билан ўзоқ муддатли ва кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ АБДУЛАЗИЗ КАМИЛОВ ҲИНДИСТОН ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ БИЛАН УЧРАШУВ

2018 йилнинг 12 февраль куни Деҳли шаҳрида амалий ташриф билан бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Камиллов Ҳиндистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Сушма Свараж билан учрашув ўтказди. Бу ҳақда ТИВ нинг расмий сайти [хабар берди](#). Турли даражалардаги Ўзбекистон-Ҳиндистон мунтазам мулоқотининг давоми сифатида вазирлар икки томонлама кун тартибнинг долзарб масалалари ҳамда минтақавий ҳамкорликнинг алоҳида мавзуларини муҳокама қилдилар. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг сиёсий, ишбилармон ва бошқа доиралари орасида икки мамлакат ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қизиқиш ошаётганлиги қайд этилди. Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг етакчи фирма ва компаниялари вакиллари учун шарт-шароит яратиш ва улар ўртасидаги алоқаларни ўзаро қўллаб-қувватлашга асосий эътибор қаратилди. Ўзбекистон ТИВ раҳбари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шерикчилик” номли Афғонистон бўйича халқаро конференцияга тайёргарлик жараёни тўғрисида ҳиндистонлик ҳамкасбига маълумот берди. Учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Ҳиндистон томони Афғонистон бўйича Тошкент форумини ўтказишга оид Ўзбекистон ташаббусини тўдиқ қўллаб қувватлади.

ПОКИСТОН ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ БИЛАН УЧРАШУВ

2018 йилнинг 12 февраль куни Исломобод шаҳрига ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Камилوف Покистон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазири Хаважа Муҳаммад Асиф билан учрашди. Суҳбат чоғида ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари томонидан Ўзбекистон-Покистон муносабатларининг кун тартиби ва БМТ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги алоқалар юзасидан фикр алмашилди. Ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга, аввало савдо-иқтисодий, инвестицион, транспорт-коммуникация, туризм, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда алоқаларни мустаҳкамлашга томонлар тайёр эканлиги тасдиқланди. Таъкидланганидек, икки давлат ишбилармон доиралари ўртасидаги мунтазам алоқалар Ўзбекистон ва Покистоннинг етакчи компания ва фирмалари, банк-молия тузилмалари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш истиқболларини оптимистик руҳда баҳолаш имконини яратади. Қайд этилганидек, қўшни Афғонистондаги вазиятни тинч йўлга ўтиши минтақавий ҳамкорликни фаолроқ ривожлантириш имкониятини яратади. Шу нуқтайи назардан Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шерикчилик” номли Афғонистон бўйича халқаро конференцияда кўриб чиқишга киритилаётган масалалар муҳокама қилинди. Учрашувда вазирлар томонидан 2018 йили бўлиб ўтадиган турли даражалардаги Ўзбекистон-Покистон учрашувлари жадвали

БУХОРО ЯХУДИЙЛАРИНИНГ БУТУНЖАҲОН КОНГРЕССИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН УЧРАШУВ

2018 йилнинг 13 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Камиллов мамлакатимизга ташриф буюрган Бухоро яхудийларининг Бутунжаҳон конгресси (БЎБК) президенти, таниқли тадбиркор ва жамоат арбоби Лев Леваев бошчилигидаги делегациясини қабул қилди. Делегация таркибидан АҚШ ва Канаданинг Бухоро яхудийлари конгресси раиси Борис Кандов, Россия Бухоро яхудийлари конгресси раиси Яков Левинов ва бошқалар ўрин олган. Ташқи ишлар вазирлигида бўлиб ўтган суҳбатда Ўзбекистон ва БЎБК ўртасидаги муносабатларнинг ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Учрашувда қайд этилганидек, халқларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги узок тарихга эга бўлиб, кўп асрлар илгари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яхудий жамоалари пайдо бўлган даврга бориб тақалади. Асрлар давомида Бухоро яхудийлари тинчлик ва тотувликда яшаб, ўзбек заминида ўз Ватанларини топдилар. Исроил, АҚШ ва бошқа мамлакатларда истиқомат қилаётган асли ўзбекистонлик яхудийлар мамлакатимиз билан алоқаларини узмасдан, ўзбек халқига самимий ва чуқур ҳурмат ҳиссини сақлаётганлиги юртимизда юқори баҳоланади. Бу эса ўз навбатида халқларимиз фаровонлиги йўлида ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил мустаҳкамлаш ва алоқаларни кенгайтириш имконини яратади. Турли даражалардаги ўзаро алмашинувларга доир масалаларни муҳокама қилиш чоғида Президент Шавкат Мирзиёевнинг 12 февралда кучга кирган Фармонида мувофиқ Исроил фуқаролари учун 30 кунгача визасиз кириш тўғрисидаги низомини БЎБК делегацияси мамнуният билан қайд этди. Исроилда 100 мингдан ортиқ асли ўзбекистонлик яхудийлар истиқомат қилади. Учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН – ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ҚЎШМА МАЖЛИСИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 13 февраль куни иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича Ўзбекистон – Жанубий Корея биринчи қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи савдо, сармоя, банк-молия, ёқилғи-энергетика, нефть-газ, машинасозлик, транспорт ва транспорт коммуникациялари, қурилиш, кимё ва озиқ-овқат саноати, тўқимачилик, қишлоқ ва сув хўжалиги, фан-таълим, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, тиббиёт ҳамда сайёҳлик каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов, Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари, стратегия ва молия вазири Ким Донг Ён ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик изчил мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон ва Корея Республикасини мустаҳкам дўстлик, стратегик шериклик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари боғлаб туради. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг асосий хорижий ҳамкорларидан бири, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодиётни модернизация қилиш ва таркибий ўзгартириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспортни оширишга йўналтирилган кенг кўламли дастурларнинг сармоядори ва иштирокчиси ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Жанубий Кореянинг 70 дан ортиқ компанияси ваколатхоналари бор. Иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида Корея инвестицияси иштирокидаги 500 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда, уларнинг маҳсулот ҳажми 5 миллиард АҚШ долларидан ошган. Ўзбекистонда Жанубий корейлик ҳамкорлар билан автомобилсозлик, электр энергетикаси, нефть-газ, электротехника, тўқимачилик саноати, ахборот технологиялари, телекоммуникация ва бошқа соҳалар бўйича кенг кўламли инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. Яқинда Ўзбекистон Президентининг фармони билан Корея Республикаси фуқаролари учун виза бекор қилинди. Бу мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард 360 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу 2016 йилга нисбатан 27 фоиз кўпдир. Мажлисда таъкидланганидек, мазкур кўрсаткични янада ошириш учун барча имкониятлар етарли. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йил ноябрь ойида Корея Республикасига давлат ташрифи натижалари бунга яққол тасдиқ бўла олади. Ушбу ташриф икки томонлама алоқаларни янги сифат босқичига кўтарди. Эндиги вазифа ташриф давомида эришилган 10 миллиард АҚШ долларидан ортиқ 60 дан зиёд келишувни тўла рўёбга чиқариш ҳамда ишбилармон доиралар вакилларининг уларни амалга оширишига кўмаклашишдир. Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик ҳақида сўз кетганда, Ўзбекистонда бизнес юритиш учун кенг шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида фаол жараёнлар кечмоқда. Иқтисодий ўсиш суръатини янада ошириш мақсадида қонунчилик базаси такомиллаштирилиб, инвестициявий муҳит кенгаймоқда. Ўзбекистон ҳукумати Жанубий Корея компанияларининг юртимизда самарали фаолият юритиши учун уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида барча шароитларни яратмоқда. Тадбирда Ўзбекистон – Жанубий Корея ҳамкорлигини янги мазмун билан бойитиш, ишбилармон доираларнинг мулоқоти ва қўшма лойиҳаларини қўллаб-қувватлашдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани таъкидланди. Мажлис давомида томонлар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Корея Республикаси ҳукумати ўртасида қабул қилинган Иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси кредитлари тўғрисидаги шартнома доирасидаги 2018-2020 йилларга мўлжалланган лойиҳаларни амалга оширишнинг боришини кўриб чиқдилар. “Корея Республикаси Ўзбекистонни энг муҳим иқтисодий ҳамкорларидан деб билади”,-деди Ким Донг Ён. – Биз ўзаро ҳамкорликни юксак кадрлаймиз. Мамлакатларимиз йирик сармоявий лойиҳалар тузиш ва амалга ошириш борасида бой имкониятларга эга. Биз, айниқса, савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни, кимё, энергетика, юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдормиз. Анжуманда Тошкент шаҳрида Корея Республикаси илғор технологиялар институти (KIAT) билан ҳамкорликда Ўқув-амалий тўқимачилик технопарки ва Ўзбекистон – Корея бизнес-маркази ташкил этиш, Корея маданияти ва санъати уйини очиш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Тадбир сўнгида тиббий соғломлаштириш мажмуаси қуриш бўйича ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми имзоланди.



МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 февраль кунини мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги таҳлиliga бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Давлатимиз раҳбари ёш авлод тарбиясининг биринчи ва муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизимини ривожлантириш алоҳида эътибор қаратмоқда. 2017 йил 16 август ва 19 октябрь кунлари бўлиб ўтган йиғилишларда бу масала атрофлича муҳокама қилинган эди. 2017 йил 30 сентябрда Президентимиз томонидан “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари чоғида ўтказилган мажлисларда ҳам бу борада кўплаб вазифалар белгилаб берилди. Йиғилишда жойлардаги мактабгача таълим муассасаларининг ахволи, соҳадаги ишларни жадаллаштириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу тизимни чуқур таҳлил қилиб, шу пайтгача назардан четда бўлган энг кичик жиҳатларигача эътибор қаратди. Дастлаб бу масалада Андижон, Наманган, Самарқанд, Фарғона ва Жиззах вилоятларида ўтказилган ўрганишлар натижаларига эътибор қаратилди. Масалан, Андижон вилоятидаги 87 та маҳаллада биронта ҳам болалар боғчаси йўқлиги, 84 та боғча филиалини мустақил муассасага айлантириш ёки давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат боғчаларини ташкил этиш бўйича туман ҳокимликлари томонидан аниқ чоралар белгиланмагани танқид қилинди.

Бу каби камчиликларни бартараф этиш учун ҳокимликлар, Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига тегишли топшириқлар берилди. Мактабгача таълим муассасаларининг лойиҳа-смета ҳужжатларида ёрдамчи биноларни ҳам таъмирлаш ва жиҳозлашни назарда тутиш, уларни аҳоли учун қулай ва муҳандислик-коммуникация тармоғи мавжуд ҳудудларга жойлаштириш зарурлиги қайд этилди. Намунавий лойиҳаларни қайта кўриб чиқиб, янги қуриладиган боғчалар учун сарфланадиган харажатларни арзонлаштириш вазифаси қўйилди.

Навбатдаги муҳим масала, деди Шавкат Мирзиёев, давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат боғчалар тармоғини кенгайтиришдир. Ҳудудларга бириктирилган тижорат банклари ва тадбиркорлар томонидан 2018 йилда жами 222 минг нафар болага мўлжалланган 3 мингдан зиёд нодавлат болалар боғчасини ташкил этиш режалаштирилган. Шундан 1 минг 200 таси янги қуриладиган бинода, 1 минг 360 таси мавжуд биноларда ва 470 таси уй боғчаси сифатида ташкил этилади. Жойларда бу борада қатор ишлар бошлангани, лекин Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Навоий вилоятларида суст бораётгани қайд этилди.

Шунингдек, Ҳокимликлар ва банкларга 2018 йилда ташкил этиладиган 3 мингдан зиёд хусусий боғчанинг ҳар бири бўйича ер, бино ва кредит ажратиш, боғчаларни ишга тушириш муддатлари аниқ белгиланган жадвалларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлатиш юзасидан кўрсатма берилди. Ҳал этишимиз зарур бўлган яна бир муҳим муаммо, деди давлатимиз раҳбари, боғчаларда болаларни белгиланган меъёрлар асосида тўғри ва сифатли овқатлантиришни ташкил этишдир. Афсуски, болаларга сут маҳсулотлари ва мева тасдиқланган нормадан кам миқдорда берилмоқда, балиқ маҳсулотлари эса деярли берилмаяпти. Йиғилишда бу борада берилган топшириқларга мувофиқ, болаларни сифатли овқатлантириш, кўрпа, ёстик ва чойшабларини белгиланган муддатларда алмаштириш, дори-дармон ва ювиш воситалари учун ажратиладиган маблағлар миқдори етарли экани аниқ ҳисоб-китоб қилинади. Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлинмалари раҳбарлари боғчаларда болаларнинг белгиланган меъёрлар асосида соғлом ва тўғри овқатланишини ташкил этишга шахсан масъул бўлади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги боғчаларда таомларни тайёрлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиш ва сақлашда санитария нормалари ва гигиена қоидаларига қатъий риоя этилишини назорат қилади. Йиғилишда мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг савияси, билими ва кўникмалари масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Тизимда фаолият юритаётган қарийб 60 минг тарбиячининг атиги 21 фоизи олий маълумотли, 79 фоизи эса ўрта махсус маълумотга эга экани қайд этилди. Болалар тарбияси жараёнига ўз ишини пухта биладиган, малакали ва ҳар бир болага индивидуал ёндаша оладиган педагог-кадрларни жалб қилган ҳолда, уларни гўдаклигидан онги ва тафаккурини тўғри шакллантириб бормасак, келажакда юксак савия, билим ва маънавиятга эга бўлган баркамол авлодни тарбиялаш қийин бўлади, деди Ш.Мирзиёев. Бу борадаги ўрганишлар натижасида келгуси 3 йилда мактабгача таълим тизимида 47 минг 300 дан зиёд олий маълумотли педагог кадрлар, жумладан, 28 минг 300 нафар тарбиячи, дефектолог, психолог, мусиқа раҳбарига эҳтиёж пайдо бўлиши аниқланган.

Шу боис, 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасаларида “Мактабгача таълим” йўналишида кундузги шаклда 3 йиллик бакалаврлар тайёрлаш тизими жорий этилади. Бунда илғор хорижий тажриба, жумладан, Жанубий Кореянинг етакчи университетлари тажрибаси асосида янги ўқув режаси ва дастурлари ишлаб чиқилади. Шунингдек, янги ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасаларида сиртки ва кечки шаклда бакалаврлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилади. Жорий йил март ойидан бошлаб, вилоятлардаги университет ва педагогика институтлари базасида боғчаларнинг педагог ва номутахассис кадрлари учун ярим йиллик ўқув дастурлари асосида қайта тайёрлаш курслари ташкил этилади. Бу ҳақда сўз юритар экан, Президентимиз Жанубий Кореянинг Пучон университети билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида Мактабгача таълим университетини ташкил этиш зарурлигини таъкидлади. Йиғилишда юқори малакали, олий маълумотли кадрларни рағбатлантириш, мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларининг ойлик иш ҳақини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди. Имконияти чекланган ва жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган болаларга мўлжалланган боғчаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишларига ҳам эътибор қаратилди. Муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасадди раҳбар ва ҳокимларнинг ахборотлари тингланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИ, СТРАТЕГИЯ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 13 февраль куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари, стратегия ва молия вазири, икки томонлама Ҳукуматлараро комиссия ҳамраиси Ким Донг Ённи қабул қилди. Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик барқарор суръатлар билан кенгайиб, анъанавий дўстона алоқалар ва стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этди. Корея Республикасига 2017 йил ноябрь ойида амалга оширилган тарихий ташриф ва унинг яқунлари бўйича эришилган келишувлар Ўзбекистон – Жанубий Корея ўзаро манфаатли ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилгани ва аниқ амалий мазмун билан бойитгани алоҳида таъкидланди. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,3 миллиард доллардан ошди. Тасдиқланган “йўл харитаси”га мувофиқ, бугунги кунда мамлакатимизда замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва инфратузилмани модернизация қилиш бўйича умумий қиймати 6 миллиард доллардан зиёд 60 дан ортиқ инвестиция лойиҳалари тайёрланмоқда ва амалга оширилмоқда.

Ўзаро ҳамкорликнинг ўтган даврида Ўзбекистон иқтисодиётига Жанубий Кореядан жами 7 миллиард долларлик инвестициялар жалб қилинди, Корея Республикаси компаниялари иштирокида 500 дан ортиқ корхона ташкил этилди. Жанубий Кореянинг илғор тажрибаси, билим ва технологияларини мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳасига жорий этишга қаратилган қўшма дастур ва тадбирлар фаол рўёбга чиқарилмоқда. Ушбу мамлакатнинг етакчи мутахассислари Ўзбекистон вазирлик, идора ва ташкилотларига маслаҳатчи сифатида жалб қилинган. Маданий-гуманитар, фан-таълим ва туризм соҳаларидаги алмашинувлар кенгаймоқда. Учрашувда савдо-иқтисодий, инвестиция, инновация, банк-молия ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Корея Республикаси раҳбарияти ва халқини Пхёнчхан шаҳрида қишки Олимпия ўйинлари бошлангани муносабати билан самимий табриклади, ушбу нуфузли халқаро спорт тадбирининг муваффақиятли ўтишига тилак билдирди. Ўз навбатида, Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ҳукуматлараро комиссия ҳамраиси давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдириб, Президент Мун Чжэ Иннинг саломини ва эзгу тилаklarини етказди. Меҳмон Ўзбекистон раҳбарияти Корея Республикаси фуқароларига визасиз тартиб жорий этиш ҳақида қарор қабул қилгани учун самимий миннатдорлик билдирди. Бу, шубҳасиз, мамлакатимизга сайёҳлар оқимини салмоқли даражада ошириш ва ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади. Учрашув якунида Ким Донг Ён Жанубий Корея мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кенг миқёсли ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканини қайд этди.

КИМ ДОНГ ЁН: ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ КУЧЛИ СИЁСИЙ ИРОДАГА ЭГА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 13 февраль куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари, стратегия ва молия вазири, икки томонлама Ҳукуматлараро комиссия ҳамраиси Ким Донг Ённи қабул қилди. Ким Донг Ён қабулдан сўнг оммавий ахборот воситалари вакилларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва ўзаро ҳамкорлик истиқболлари ҳақидаги фикрларини билдирди:

– Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик нафақат манфаатдорлик, балки ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган. Президент Шавкат Мирзиёев ўтган йили ноябрда Корея Республикасига давлат ташрифи билан борган эди. Ушбу ташриф Жанубий Корея ишбилармон доираларининг Ўзбекистонда яратилаётган имкониятларга бўлган қизиқишини тубдан оширди. Мамлакатингизга келишимдан мақсад – икки томонлама муносабатларни амалий мазмун билан бойитишдир. Президент жаноби олийлари билан учрашувда Ўзбекистон раҳбарининг Корея Республикасига ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги истиқболлари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатларимиз ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқиш ҳамда жанубий корейлик ишбилармонлар учун янада қулай шароитлар яратиш имконини берадиган қатор амалий таклифларни билдирди. Жанубий корейликлар Ўзбекистонда мамлакатни барқарор ривожлантириш, аҳоли турмуш сифати ва фаровонлигини ошириш мақсадида, давлатнинг халқ манфаатларини таъминлаши йўлида олиб борилаётган ислоҳотлардан яхши хабардор. Шавкат Мирзиёев бу мақсадларга эришиш учун қатъият ва кучли сиёсий иродага эга.

Президент Шавкат Мирзиёев ҳар куни, ҳар дақиқа эл-юрти фаровонлигини ўйлайди. Унинг раҳбарлик қобилияти ва аниқ мақсадга интилувчанлиги атрофдагиларга ҳам руҳ, куч-ғайрат бағишлайди. Мен унинг тимсолида буюк раҳбар ва оддий инсонни кўраман. Ўзбекистон халқинин

Президентга чуқур ҳурмати ва ишончи айнан шу фазилат — йирик сиёсатчи бўлиш билан бирга оддий ва самимий инсон бўлиб қолгани туфайли, деб ўйлайман.

КИМ ДОНГ ЁН: ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ КУЧЛИ СИЁСИЙ ИРОДАГА ЭГА

Бухорода электромобиллар хизмати йўлга қўйилди, илк икки автомобиль шаҳарга олиб келиниб, ишга туширилди. Яқин вақт ичида яна камида 10 электромобиль харид қилиш режалаштирилмоқда. Электромобиллар эски шаҳарнинг енгил автомобиллар кириши тақиқланган жойларида пиёда сайр қилишнинг қулай муқобилига айланади. Сайёҳларда энг кўп қизиқиш уйғотувчи йўналишлар бўйича туристик маршрут ишлаб чиқилган - у Лаби Ҳовуздан бошланиб, Тоқи Сарафон, Тоқи Заргарон ва Пойи Калон бўйлаб ўтиб, Арк қалъаси ёнида тугайди. Самарқанд ва Шаҳрисабзда бундай лойиҳалар ишга туширилган ва хизмат кўрсатмоқда.



СУВ ТАЪМИНОТИ НАЗОРАТЧИЛАРИ ВАЗИФАСИ БОШ ПРОКУРАТУРА БЮРОСИГА ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси президенти “Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонни имзолади.

Ҳужжат билан Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Бош прокуратуранинг куйидаги таклифлари маъқулланди:

“Сувоқава” ва “Сувсоз” ДУКда 2 852 назоратчилар штат бирлигини қисқартириш; Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига қўшимча 2 852 штат бирлигини ажратиш. Жумладан, давлат ижрочилари – 939, давлат инспекторлари – 1 262, Бюронинг бошқа ходимлари – 651; Бюрога Ривожланиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан фуқаро-ҳуқуқий шартномалар асосида юклатилган вазифаларни бажариш учун мутахассислар ҳамда бошқа шахсларни жалб этиш ҳуқуқи; Бундан ташқари, 2018 йилнинг 1 мартдан уй-жой объекти манзили бўйича рўйхатдан ўтган вояга етган жисмоний шахслар энергоресурслар ва сув таъминоти бўйича, тегишли электр ва газ тармоқлари, сув таъминоти тизимлари бўйича етказиб берилувчи хизматлар учун масъул бўлади. Бюро ҳар ойда истеъмолчиларга етказиб берилган энергоресурслар учун қарздорликни истеъмолчилар маълумотлари пластик карталарига хизмат кўрсатадиган банк ҳисоб рақамларидан ЭКИҲнинг икки баробаридан ортиқ бўлмаган миқдорда ундириб олиш ҳуқуқига эга бўлди. Бюро органларига ишга қабул қилинган пенсионерларга пенсия 100 фоиз миқдорда тўланади.

**ЭЪТИБОРИНГИЗ
УЧУН РАХМАТ!**